

Қулнинг қочиши



12:30 / 16.04.2019 3372

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Агар қул қочса, унинг намози мақбул бўлмайди**», деганлар *(Муслим ривоят қилган)*.

Бошқа бир ҳадиси шарифда: «**Қайси бир қул қочса, ундан зимма (ҳимоя) соқит бўлади**», дейилган *(Муслим ривоят қилган)*.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Уч тоифа одамнинг намозини Аллоҳ мақбул қилмайди ва уларнинг биронта ҳам яхшилиги осмонга кўтарилмайди: қочоқ қулнинг, то хўжайинларига қайтиб, қўлини уларнинг қўлларига қўймагунча, эрини норози қилган аёлнинг, то эри ундан рози бўлмагунча ва мастнинг, то ўзига келмгунча**», деганлар.

Фузола ибн Убайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уч тоифа одамдан сўралмайди: жамоатдан ажраб, имомига осийлик қилган кимса; хўжайинидан қочиб, осий ҳолида ўлган қул ёки чўри; эри узоқда бўлиб, дунёвий эҳтиёжини (озик-овқатини) таъминлаб қўйган бўлса-да, эридан яширинча ясан-тусан қилиб, ҳусни жамолини кўз-кўз қилиб юрадиган аёл», дедилар»** (Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривояти).

«Гуноҳи кабиралар» китобидан